

Мусулмон талаба ва компьютер муҳандисидан ёш болаларга ёрдам берилади



15:10 / 09.03.2021 1909

VRapeutic стартапи билан собиқ электротехника талабаси ва компьютер муҳандиси Аҳмад Қаббоний ўқиш ва ривожланишда нуқсонли бор болаларга иммерсив технологиялардан фойдаланиш орқали кўмак беришга қарор қилди.

VRapeutic — бу аутизм ва диққатнинг бузилиши, ривожланишда нуқсонлар билан курашиш учун виртуал реаллик терапиясининг ечимларини ишлаб чиқишга ихтисослашган стартап.

«Оттавада электротехника ва компьютер техникаси бўйича докторлик диссертациясини тугатгандан сўнг, мен ўз тажрибамни жамиятга таъсир ўтказиш учун қўллашим мумкин бўлган соҳани изладим», дейди Аҳмад

Қаббоний. — Мен Мисрга қайтишни истадим ва атрофимдаги болаларнинг ўқиш қобилияти қандай эканлигини билиш учун ташхис қўйилиши муҳимлигини тушуна бошладим. Бу муаммоларни ҳал этишда виртуал ҳақиқатдан фойдаланишга қарор қилдим. Аҳмад Қаббоний ҳозирда стартап MENA минтақасидан (Мағриб ва Яқин Шарқ мамлакатларини бирлаштирган географик минтақа) тез ривожланаётган соҳада иш олиб борилаётган тадқиқот ҳаракатига раҳбарлик қилмоқда ва халқаро конференцияларда илмий мақолаларини нашр этмоқда.

Хуршид Маъруф тайёрлади